

---

## 12 май - Халқаро ҳамширалар куни!

Ҳар йили 12 май – Халқаро ҳамширалар куни сифатида бутун дунёда муносиб нишонланиб, ҳамшираларга алоҳида эҳтиром кўрсатилади.

Коронавирус пандемияси туфайли курраи замин бир вужуд, халқлар ва элатлар эса гўё бир оиладек бирлашиб ҳаракат қилаётган мана шундай даврларда барчанинг шифокор-у, ҳамшираларга бўлган эҳтиром ва ҳурмати янада ошгани бор гап.

Ўзбекистон тумани тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги соғлиқни сақлаш муассасаларида 2000 нафардан зиёд ана шундай ўрта бўғин мутахассислар эл соғлиғини асраш йўлида шифокорлар билан бир сафда фаолият олиб бормоқдалар.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги туманимиздаги барча ҳамшираларни бугунги касб байрами билан муборакбод этади.**

**Барчангизга оилавий бахт, сиҳат-саломатлик ҳамда беморларнинг саломатлиги билан бевосита боғлиқ фаолиятингизда, масъулиятли ва шарафли ишингизда улкан муваффақият тилаймиз!**

2022-05-12 16:54:40